

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ўзбекистон тумани

2023 йил 09 октябрь

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси И.Турсуновнинг раислигида, Ш.Умаровнинг котиблигида, даъвогар -----нинг жавобгар --
----- оилавий корхонасига нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан аризачи вакили М.Мирзаакбаров (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризадан кўринишича, ----- оилавий корхонаси (кейинги ўринларда “жавобгар” деб юритилади) томонидан солиқ хисоботини ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органи – -----га (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) тақдим этмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили жавобгар томонидан камчилик бартараф этилмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига мувофиқ, суд низони жавобгарнинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъвони қаноатлантиришни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар томонидан солиқ хисоботини ўз вақтида рўйхатдан ўтган жойидаги солиқ органи – даъвогарга тақдим этмаган, натижада даъвогар ариза билан Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 215-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 217-моддасига мувофиқ, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш – ҳуқуқий таъсир чорасидир.

Солиқ Кодексининг 82-моддаси 1-қисмига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова



қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ Кодексининг 111-моддаси 1-қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилинганга қадар тўхтатиб турилади.

Даъвогарнинг даъво талаблари асосли, қайд этилганларга кўра суд даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

“Давлат божи тўғрисида” ги Қонуннинг 9-моддаси, 1-қисми, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Қайд этилганларга кўра, суд тарафлардан давлат божи ундирмасликни, иқтисодий иш электрон тартибда шакллантирилганлиги сабабли, почта харажатларини ҳам ундирмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 221, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар ----- оилавий корхонаси томонидан белгиланган солиқ ҳисоботлари аризачи -----га тўлиқ тақдим этилмагунга қадар, жавобгар - ----- оилавий корхонасининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари тўхтатиб турилсин.

Ҳисоботлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, ----- оилавий корхонасининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари аризачи -----нинг қарори (расмий хати) билан тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қарордан норози тараф ўн кун муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Раислик этувчи

И.Турсунов

